

А Ж Р И М

(Ярашув асосида жиноят ишени тугатиш ҳақида)

2021 йил февраль ойининг 24 куни жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья О.Хасанов, К.Рўзиқулованинг котиблигида, давлат айбловчиси Фурқат туман прокурори ўринбосари А.Мўминов, судланувчи В.Рахимов ва унинг ҳимоячиси Ж.Шомуродов, жабрланувчи М.Болтабоеваларнинг иштирокида Рахимов Виталий Викторовични айблаш ҳақидаги 1-1519-2101/15-сонли жиноят ишени кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Рахимов Виталий Викторович
(Rahimov Vitaliy Viktorovich),
1991 йил 25 июлда Қўқон шаҳрида
туғилган, миллати рус, Ўзбекистон
фуқароси, маълумоти ўрта, оилали,
1 нафар фарзанди бор, муқаддам:

- 1) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2012 йил 22 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми ва 166-моддаси 2-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 59,62-моддаларига асосан 2 йил 6 ой 2 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 2) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2015 йил 20 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган;
- 3) жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2015 йил 23 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 171-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 60-моддасига асосан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига судланган,
- жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2018 йил 05 мартдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 10 ой 13 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган;



Қўқон шаҳар “Мурувват уйи”да санитар вазифасида ишлайди, Қўқон шаҳар, Муқумий кўчаси, 24-уй, 19-хонадонда рўйхатда туриб, Фурқат тумани, Ингичка қишлоғи, Боғу-бўстон кўчаси, 6-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 22.01.2021 йилда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг фикрларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи В.Рахимов 2020 йил 17 декабрь куни қайнонаси М.Болтабоевага тегишли бўлган “Uzkard” пластик карта турмуш ўртоғи М.Пўлатова фойдаланиб юрган +99891-142-58-75 уяли алоқа рақамига очилган “CLIK” хизмати уланганидан хабар топиб, пластик картадаги пул маблағларини яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида М.Пўлатовага тегишли уяли телефон аппаратини қўлга киритиб, М.Болтабоевага тегишли бўлган пластик карта хисобида бўлган жами 4.700.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини “CLIK” хизмати орқали фуқаро С.Акбаровага тегишли бўлган пластик картага маълум бир қисмини, қолган пул маблағларини эса ўзини номига очилган пластик картага ўтказиб, пулларни нақдлаштириб, яширин равишда талон-талож қилган ва пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборгани аниқланди.

Судланувчи В.Рахимов судда, айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ярашув тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, у ҳақиқатдан ҳам 2020 йил 17 декабрь куни қайнонаси М.Болтабоевага тегишли бўлган “Uzkard” пластик карта турмуш ўртоғи М.Пўлатова фойдаланиб юрган +99891-142-58-75 уяли алоқа рақамига очилган “CLIK” хизмати уланганидан хабар топиб, пластик картадаги пул маблағларини ўғирлаш мақсадида хотини М.Пўлатовага тегишли уяли телефон аппаратини қўлга киритиб, М.Болтабоевага тегишли бўлган пластик карта хисобида бўлган жами 4.700.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини “CLIK” хизмати орқали фуқаро С.Акбаровага тегишли бўлган пластик картага маълум бир қисмини, қолган пул маблағларини эса ўзини номига очилган пластик картага ўтказиб, пулларни нақдлаштириб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборгани, ҳозирда у жабрланувчи М.Болтабоевадан кечирим сўраб, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб, жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ўзаро ярашиб олганини, шунинг учун уни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод



қилиб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни, ярашув тўғрисидаги аризасини тасдиқлашни сўради.

Жабрланувчи М.Болтабоева судда, ярашув тўғрисидаги ариза билан муурожаат қилиб, ҳақиқатдан ҳам куёви В.Рахимов 2020 йил 17 декабрь куни унга тегишли бўлган “Uzkard” пластик карта қизи М.Пўлатова фойдаланиб юрган +99891-142-58-75 уяли алоқа рақамига очилган “CLIK” хизмати уланганидан хабар топиб, қизи М.Пўлатовага тегишли уяли телефон аппаратини қўлга киритиб, унга тегишли бўлган пластик карта хисобида бўлган жами 4.700.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини яширинча “CLIK” хизмати орқали бошқа пластик карталарга ўтказиб, пулларни нақдлаштириб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида сарфлаб юборгани, ҳозирда судланувчи В.Рахимов ундан кечирим сўраб, жиноят натижасида унга етказилган моддий зарарларни тўлиқ қоплагани, у ярашув аризасини қувватлашини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Судланувчи В. Рахимов жиноий қилмиши билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмидаги жиноятни содир этган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи М.Болтабоева ва судланувчи В.Рахимовларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Фурқат туман прокурори ўринбосари ва химоячининг фикрини эшитиб, судланувчи В.Рахимовларнинг айбига ихтиёрий иқдорлиги ва жиноят натижасида етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, В. Рахимовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи М.Болтабоевага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасини 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбланган Рахимов Виталий Викторович (Rahimov Vitaliy Viktorovich)нинг жиноят иши В.Рахимов жабрланувчи М.Болтабоева билан ярашганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан айблилик масала ҳал қилинмасдан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи М.Болтабоевага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотгани тушунтирилгани инобатга олинсин.

Ажримдан норози тарфалар йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи;имзо

Ажрим нусхаси аслига тўғри

Жиноят ишлари бўйича

Фурқат туман судининг раиси

О.Хасанов

